

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ПРАКТИКУМИ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

Юсунов Муҳаммад Махмудович

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим ўқитувчиси, Жиззах,
Ўзбекистон*

e-mail yusupovm1980@gmail.com

Аннотация. Мақолада амалий машғулотларда талабалар бажарган амалий ишларини билим ва кўникмалари меъёрлари асосида баҳолаш ҳақидаги тавсиялар баён қилинмоқда.

Калит сўзлар: билим, кўникма, меъёр, баҳо, аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз, чизма.

Технологик таълимда назарда тутилган барча амалий машғулотларда талабаларнинг бажарган амалий ишларини баҳолашни объектив меъёрий тизимлар асосида ташкил этиш ўқув жараёни самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу меъёрларга ҳам ўқитувчи ва ҳам талабалар билимини баҳолашда қатъий амал қилишлари талаб қилинади.

Бунинг учун ана шу баҳолаш меъёрлари махсус кўргазма тахтасида акс этиши мақсадга мувофиқ, шунингдек уни талабаларга таркатма материал сифатида берилиши ҳам мумкин. Қуйида ана шу меъёрлар ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинади.

Талабалар билимини баҳолаш меёрлари. Билимлар бу ижтимоий тарихий онг, инсониятнинг ижтимоий тарихий амалиёти ҳосиласидир. Билимлар инсоният томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини фаол ўзлаштириши жараёнида тўпланган, амалда синовдан ўтган ва объектив дунёни чуқурроқ англашга ҳамда ўзлаштиришга йўналтирилган табиат, жамият, тафаккур ва фаолият усуллари қонуниятлари ҳақидаги илмий тушунчаларнинг яхлит асосланган мажмуасидир.

Билим:

- одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўпланган, умумлашган тажрибасидир.

- ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар йиғиндиси.

- ўқув фанини билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси (назарий билимлар).

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар тизимини эгаллабгина қолмайдилар, балки бир қанча кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

Талабаларнинг берилган амалий ишга оид билимини ўқитувчи ишни бошлашдан олдин сўраб аниқлантиргани маъқул. Бу жуда муҳим, чунки унга талабага берилган (унинг ўзи танлаган мавзу) амалий иш объектида кўзда тутилган амалий ишни бажариши учун ундаги назарий билимлар қай даражада эканлиги аниқланади. Агар ундаги билимлар етарли бўлмаса бошқа енгилроқ амалий иш тавсия этилади.

Ана шу суҳбат жараёнида талабанинг билимини баҳолаш қуйидаги меёрларда бўлиши мумкин:

Аъло баҳо қўйиш меъёри:

- талаба объектга оид ўқув материални тўлиқ ўзлаштирган.
- уни ўз сўзлари билан баён қила олади
- конкрет мисоллар билан мустақил жавоб бера олади.
- ўқитувчининг қўшимча саволларига тўғри ва асосли жавоб бера олади.

Яхши баҳо (4) қўйиш меъёри:

- ўқув материални етарлича ўрганган;
- уни ўз сўзи билан баён қилишида баъзи кичик хатоларга йўл қўяди;
- конкрет мисоллар билан аниқ жавоб бера олади;
- ўқитувчининг қўшимча саволларига тўғри ва мантиқли жавоб бера олади;

Қониқарли баҳо (3) қўйиш меъёри:

- ўқув материалнинг кўп қисмини ўрганмаган;
- уни баён қилишда чалкашликларга йўл қўяди;
- конкрет мисоллар билан жавоб беришда қийналади;
- қўшимча саволларга бўш (чала) жавоб беради;

Қониқарсиз баҳо (2) қўйиш меъёри:

- ўқув материални деярли ўзлаштира олмаган;
- ўз сўзи билан мустақил баён қила олмайди;
- конкрет мисоллар билан жавоб бера олмайди;
- қўшимча саволларнинг кўпига деярли жавоб бера олмайди.

Деярли барча амалий ишларда дастлабки амалий қадам талабаларга берилган (ёки ўзлари тавсия қилаётган) ижодкорлик иши (оригинал, модел, макет)нинг график чизмасини тасаввур қила олиш ва уни тўғри чизиб ола билиш кўникмаси ҳисобланади, чунки колган барча ишлар кетма-кетлиги (қурилмага керакли деталлар, ҳар бир деталнинг ўлчами, уни тайёрлашнинг технологик ҳариталарини ишлаб чиқиш) ана шу объектнинг дастлабки тасаввурдаги йиғиш чизмасига оид кўникмалар асосида бажарилади.

Кўникма:

- ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалга ошириладиган амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёргарликда ифодаланадиган онгли фаолият.

- мактаб ўқувчиларининг олган билимларига асосланиб, қуйидаги вазифаларни ва шартларга биноан, бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир. Кўникмалар:

1 .Ўқув кўникмалари

- Нутқий фаолиятга оид кўникмалар;
- Бадиий фаолиятга оид кўникмалар;
- Муомила ва ўзини тутиш кўникмалари;
- Меҳнат кўникмалари;

- Касбга оид кўникмаларига бўлинади.

Берилган амалий иш объекти график чизмасини ишлаб чиқиш **кўникмасига аъло (5) баҳо кўйиш меъёри:**

- ишни бажариш объект чизмасини ижодкорлик асосида тўғри режалаштира олади;
- чизмачилик ва технология таълимидан олган билимлари мустақил ва тўлиқ;
- объектнинг йиғиш чизмасини тўғри ва аниқ ифодалаб бера олади;
- деталларнинг кўриниши, ҳолати ва номларини тўғри белгилай олади.

Кўникмасига яхши (4) баҳо кўйиш меъёри:

- берилган амалий иш объекти график чизмасини тўғри режалаштира олади;
- чизмачилик ва технология таълими фанидан олган билимлари етарли;
- амалий иш объектни йиғиш чизмасини етарли даражада ифодалаб бера олади;
- деталларнинг кўриниш ҳолати ва номларида баъзи ноаниқликларга йўл қўяди.

Кўникмасига қониқарли (3) кўйиш меъёри:

- берилган амалий иш объекти умумий кўринишини режалашда хатога йўл қўяди;
- чизмачилик ва технология таълими фанидан олган билимлари тўлиқ эмас;
- амалий иш объекти йиғиш чизмасини тасвирлашда тушунчаси тўлиқ эмас;
- деталлар кўриниши ва номларини белгилашда баъзан хатоликка йўл қўяди.

Қониқарсиз баҳолаш меъёри:

- амалий иш объекти умумий кўринишини талаб даражасида режалаштира олмайди;
- ишни бажаришга оид билимлари унча етарли эмас;
- амалий иш объекти чизмаси умумий кўринишини чизишда хатога йўл қўяди;

Юқоридаги келтирилган талабаларнинг амалий машғулотларда бажарган амалий ишларини баҳолаш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Бу босқичларни ташкилий, асосий ва якунийларга бўлиб қараш мумкин. Мақолада сўз юритилган талабаларнинг амалий ишларини баҳолашни билим ва кўникмалар бўйича олиб бориш асосий босқич ҳисобланади ва ўзига хос дидактик жараён бўлиб, унинг барча звенолари талабаларнинг амалий ишларни бажариш самарадорлигининг юқори бўлишида муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муслимов Н. “Техник ижодкорлик ва дизайн” Тошкент 2001 й. 64 б.

2. Исмоилов Т., Донабоев Ҳ., Атабеков И. “Меҳнат ва касб таълими бакалавриат йўналишларида муҳандислик фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида “Меҳнат таълимида талабаларнинг амалий ишга оид кўникмаларини баҳолаш меъёрлари” мавзусидаги маъруза. Наманган Давлат университети. Наманган ш., 2012 йил 6-7 декабр. 123-124 б.

3. Исмоилов Т., Бўронов И., Сафаров З. “Меҳнат ва касб таълими йўналишларида муҳандислик фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида “Меҳнат таълими амалий машғулотларида талабалар билимини баҳолаш мезонлари” мавзусидаги маъруза. Наманган Давлат университети. Наманган ш., 2012 йил 6-7 декабр. 125-127 б.